

Осмон Ёритқичлари Ва Олам Тартиби Ҳақидаги Ўзбек Мифологик Тизими

Somirza TURDIMOV*

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқининг этник таркиби: қорлуқ, ўғиз, қипчоқ қабила бирлашмалардан иборатлиги, барча туркий халқларга тенг даражада алоқадорлиги, бу ҳолат ўзбек мифологияси, фольклорининг умумий даражасини, генезиси, тадрижий ривожини, воқе бўлиш тартибини белгилашда муҳимлиги айтилган. Аксар туркий халқлар мифологиясида бўлганидек ўзбек мифлари, мифологик сюжет ва образлари фольклор таркибида бадиий эстетик кўринишда яшаб келаётганлигига диққат қаратилган. Бу тизимнинг: бадиий эстетик – мифопоэтик – мифологик кўринишдаги тадрижий йўли кўрсатилиб, уни англашда тизим ҳар жиҳатдан тикланиши, асосланиши лозимлиги белгиланган. Ўзбекларнинг коинотнинг тузилиш тартиби, жамики тирикликнинг яратилиши, яшаши мароми ва тақдир йўли ҳақидаги қадим эсхотологик мифларнинг туркий мифларига уйғун келиши таъкидлаб ўтилган. Ер сайёрасининг коинот тизимидаги ўрни ва Сомон йўли галлактикасидаги манзили, Сомон йўли галлактикасидаги энг ёрқин юлдузлар – Темир қозик, Оқбўзот, Кўкбўзот, Етти қорақчи, тарозилар-Қўл тароз, Пой тарзи ҳамда Хулқар ва Қамбар юлдузларнинг ўзаро муносабатини изоҳловчи айтим, афсоналар келтирилиб, яхлит Дунё тухуми ҳақидаги мифологик тизим кесимида таҳлил этилган. Мифологик мазмун образлар кетма кетилигида бор тирикликнинг тухум-уруғдан униб яна тухум-уруққа қайтиши кўрсатиб бериши билан аҳамиятли ва мифлар моҳиятида ифода топган илмий ҳақиқатлар, ҳаёт қонуниятининг рамз ва тимсоллардаги ифода топаётганини кўриши билан муҳимлиги айтилган. Мифлар моҳиятини ЭЗГУЛИК ва ЁВУЗЛИК кучлари орасидаги узлуксиз кураш ташкил этишини ва бутун борлиқ асосида ушбу кураш рамзий-тимсолий акс этганлигини фольклор намуналари мисолида баҳоланган. Мифлардаги рамз, тимсолларнинг адабиёт ва санъатдаги ифода усуллари, тилга уйғун келиши, лекин миф ҳеч қачон адабиёт, санъат бўлмаслиги аксинча, бу бадиий эстетик ҳодисалар учун вазифасини ўташи кўрсатиб ўтилган. Мақолада келтирилган аксарият манбалар ўзбек-умумтуркий мифологик олами ҳақидаги янги материаллар бўлиб илмий жамоатчилик ҳукмига илк бор тақдим этилмоқда.

Калит сўзлар: Миф, Мифология, Кўк Мифи, Дунё Тухуми, Ҳаёт Дарахти, Самовий Мифлар.

Received / Accepted: 01 July 2024 / 05 August 2024

Özbek Mitolojisinde Kozmoloji ve Evrenin Düzeni

ÖZ

Makalede, Özbek halkının etnik yapısının eşit oranda Karluk, Oğuz ve Kıpçak boylarından oluştuğu, bunun, Özbek mitolojisi ve folklorunun genel tablosunun çizilmesinde, ortaya çıkışı, gelişmesi ve oluşumsal tedricinin belirlenmesinde önemli olduğu kaydedilmiştir. Birçok Türk halkının mitolojisinde gözlemlendiği gibi, Özbek mitlerinin, mitolojik olay örgüsü ve karakterlerin de folklor bünyesinde sanatsal-estetik biçimde varlığını sürdürdüğüne dikkat çekilmiştir. Aynı zamanda, söz konusu sistemin sanatsal-estetik – mitopoetik – mitolojik şeklindeki tedrici istikameti gösterilmiş, onun idrak edilmesinde sistemin her yönden ihya edilmesi, temellendirilmesi gerektiği vurgulanmıştır. Özbeklerin evrenin yapısı, tüm canlıların yaratılışı, onların yaşamsal meramı ve kaderine ait eski eskatolojik mitlerin Türk mitleriyle örtüştüğü belirtilmiştir. Dünya'nın evrendeki ve Samanyolu'ndaki konumu, Samanyolu'nda bulunan en parlak yıldızlar olan Kutup Yıldızı, Akbozat, Gökbozat,

*Prof. Dr., Fenler Akademisi Özbek Dili, Edebiyatı ve Folklorü Enstitüsü, Tashkent/Uzbekistan, E-mail: shomirzaturdimov010@gmail.com, ORCID Numarası: 0009-0005-4294-9876



Büyükayı, teraziler – El Terazi, Pay Terazi ve Ülker ile Kamber’ler arasındaki ilişkiyi açıklayan sözler ve efsaneler sunularak bir bütün Dünya tohumu hakkındaki mitolojik sistem bazında analiz edilmiştir. Mitolojik içerik, bütün yaşamın tohumdan yetişip tekrar tohuma döndüğünü göstermesi ile önemlidir. Mitlerin mahiyetinde bulunan bilimsel gerçekler ve yaşam kurallarının simge ve imgelerde ifade bulunduğunu göstermesi ile önem taşır. Mitlerin esasını İYİLİK ve KÖTÜLÜK arasındaki aralıksız mücadelenin oluşturduğu, bu mücadelenin mitlerde sembolik biçimde ele alındığı folklor örnekleri ile kanıtlanmıştır. Mitlere ait simge ve imgelerin edebiyat ve sanattaki ifade şekilleri, dile uygun oluşu ancak mitin hiçbir zaman edebiyat ve sanat olamayacağı, onların sanatsal estetik olgular için birer araç olduğu dile getirilmiştir. Makalede atıf yapılan kaynakların birçoğu, Özbek-Türk mitolojik dünyasına ait yeni gereçler olup ilk kez bilim camiasının ilgisine sunulmaktadır.

Anahtar Kelimeler: Mit, Mitoloji, Gök Miti, Dünya Yumurtası, Hayat Ağacı, Göksel Işıklar.

Başvuru / Kabul: 01 Temmuz 2024 / 05 Ağustos 2024

Atıf: Turdimov, S. (2024). Özbek Mitolojisinde Kozmoloji ve Evrenin Düzeni, *İmgelem*, Özbekistan Özel Sayısı, 271-292.

КИРИШ

Ўзбек халқининг этник таркибидаги уруғ, қабила ва бирлашмалар ҳаёти, тақдири, тарихи – ўзбекнинг ягона этнос сифатида тили, умумий дунёқараши, диний эътиқоди, халқона фалсафаси, маросимлари, урф-одатлари, мифологик тизими, фольклори, адабиёти ва санъатини юзага келтирди. Ушбу маънавий мероснинг шаклланиши, тараққий топиши, унинг инсоният тамаддунидаги муносиб ўрнини этнос ҳаётини тўла тасаввур қилмай туриб кўрсатиш мумкин эмас.

Ўзбек халқи расман қарлук, қипчоқ, ўғуз қабила бирлашмалари яхлитлигидан ташкил топган, деб қаралади. Аммо ўзбек халқининг маънавий меросини англашда маълум ҳудудий бўлинмалар асосида гуруҳлаш ҳам мавжуд. Бу хил таснифда Тошкент–Фарғона, Самарқанд–Бухоро, Қашқадарё–Сурхондарё, Хоразм каби шартли атамага тез-тез дуч келамиз. Масалан, мақом санъати ҳақида гап борар экан, Тошкент–Фарғона, Бухоро–Самарқанд, Хоразм йўлларини фарқлаш урф бўлган. Фольклоршуносликда халқ кўшиқлари, дostonчилик мактаблари, рақс турларини таснифлашда ҳам бу хил тушунтиришдан фойдаланилади. Албатта, ҳар қандай таснифнинг шартли эканлиги ҳеч қачон назардан қочирилмайди. Лекин масаланинг моҳиятидан келиб чиқиб баҳоланса, воқеликка нисбатан яқин хулосаларга эга чиқишимиз мумкин. Шундай экан, халқ оғзақ ижоди намуналарини этноснинг этник тузилмаси, тили, урф-одат, маросимлари ва бошқа фарқланувчи белгиларига кўра баҳолаш йўли ҳам мақсадга мувофиқ саналади. Ўзбек уруғларига “Тўқсон икки бовли ўзбек” дея таъриф бериш ҳам муҳим анъана. Аммо бу тушунча, кўпроқ, қипчоқ гуруҳига мансуб қатламга тегишли эканлигини ҳам унутмаслик керак. Яна бир муҳим жиҳати ўзбекларнинг яшаш тарзидаги анъаналар билан боғлиқ жиҳат, яъни айрим ўзбекларнинг ўтроқ, кўчманчи, ярим кўчманчи тарзида XX асргача сақланиб

келганлиги айна ижтимоий, сиёсий, этник факторлар ўзбек фольклорининг ўзига хос равишда намоён бўлишини таъмин этувчи унсурлардан ҳисобланади. Ушбу мураккаб ва ўз ўрнида ноёб воқелик Марказий Осиё – Туркистоннинг қоқ марказида, бизнинг мамлакатимиз ҳудудларида содир бўлди ва давом этмоқда.

Худудий нуқтаи назардан олиб қаралса, Ўзбекистон Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, бу макон инсоният тамаддуни ўчоқларидан биридир. Тамаддун ўчоқлари қадимдан табиий шароити қулай бўлган жойлар, асосан, икки дарё оралиқлари, улкан дарёларнинг қуйилиш ўринларида пайдо бўлган, ривожланган. Хусусан, бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган юрт ана шундай макон – икки дарё оралиғида жойлашган. Тарих саҳнасида бу ер тамаддунлар тўқнашган, энг кўп салтанатлар қурилиб, уруғ-қабилалар, элатлар, миллатлар, ирқлар аралашган масканлардан биридир. Ўзбек этносининг ҳаёти, тарихи, тақдирини, моддий ва маънавий меросини ушбу факторлардан айри тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, халқ тарихи, тақдирининг ўзига хос бадиий ифодаси бўлмиш фольклор, хусусан мифологиясини идрок этишда, англашда, тадқиқ қилишда ушбу жиҳатларни инобатга олиш шарт.

Ўзбек этноси тил ва этник жиҳатдан туркий халқлар оиласига киради. Турк, озарбойжон, туркман, қирим татар, гагаузлар, асосан, ўғуз гуруҳига мансуб бўлишса, қозоқ, қирғиз, татар, қорақалпоқ, бошқирдлар, қипчоқ гуруҳи, уйғурлар эса қарлуқ гуруҳи вакиллари саналади. Фақат ўзбек этноси ҳар уч гуруҳни ўз таркибида жамлаши билан алоҳида ажралиб туради ва бу ҳолат ўзбекларнинг моддий, маънавий меросида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар бир халқнинг воқеликка ўз эстетик муносабати мавжуд. Бу муносабат ўша халқнинг фольклори, яъни миф, эртак, қўшиқ, мақол-маталлари, достон ва бошқа намуналарида ўз бадиий ифодасини топади. Ўзбек фольклорида туркий халқларнинг ана шу уч гуруҳига мансуб мерос анъаналарни ўзига хос қоришган ва ривожланган ҳолатда кўрамиз. Бу эса ўзбек фольклорининг турли-туманлиги, ранг-баранглиги ва бойлигини таъминлаган асосий омилдир. Ўзбек фольклорига оид ҳар қандай жанр намуналари кўздан кечирар эканмиз, унинг барча туркий халқлар фольклори билан муштарак жиҳатларга, айна вақтда, ўзига хос тараққиёт босқичларидан ўтиб ўзбекча талқин олган бетакрор вариант ва версияларига эгаллигига гувоҳ бўламиз. Яна бир жиҳат, ўзбек фольклордаги бу ўзига хослик, бойлик, бетакрорлик фақат туркий халқлар доирасидаги қон-қардошлик билангина чегараланмайди, шу қаторда Марказий Осиёда яшаб келаётган бошқа қўшни халқлар

Ўртасидаги маданий, сиёсий, иктисодий бирлик, алоқалар таъсирида ҳам бўй кўрсатади. Фольклоршунослар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг ўзбек эпоси ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари фольклорнинг барча жанрларига, мифологияга ҳам бевосита алоқадорлиги билан аҳамиятлидир. Муаллифлар ёзади: “Ўзбек эпоси қачон, қаерда ва қандай шароитда вужудга келган... Бу масалани биринчи галда мавжуд эпик сюжетлар, мотивлар, образлар ва усулларни бошқа туркий халқлар, аввало, Ўрта Осиё халқларининг эпик ижоди билан, иккинчи томондан эса унга яқин фольклор жанрлари, жумладан, халқ эртаклари, халқ китоблари ва ниҳоят ўзбек мумтоз адабиёти ва китобий дostonлари орқали боғланувчи форс шеъри ва насрий дostonлари адабий таъсирини қиёсий ўрганмай туриб амалга ошириш мумкин эмас”(Жирмунский, Зарифов 1974: 447). Бу ўринда нафақат форслар, шу билан бирликда араб, хитой, ҳинд, юнон ва бошқа халқлар билан бевосита ҳамда билвосита кечган турли даражадаги алоқаларнинг таъсири, акс таъсирини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Бирор бир халқнинг фольклори, унинг тур ва жанрлари ҳақида гап кетар экан, биринчи галда мифологиясига диққат қаратилади. Дунё халқлари орасида юнон, миср, ҳинд, эрон, герман ва бошқа халқлар мифологияси илмий адабиётларда атрофлича тадқиқ этилган, аммо яқин-яқингача ўзбек мифологияси “туркий тилли халқлар мифологияси” таркибида қисман санаб келинди (Мифы народов мира 1991: 537-541). Ҳатто “ўзбек мифологияси” атамаси баъзи тадқиқотчиларга эриш туюлган. Бу хил тасаввурнинг туғилишига маълум сабаблар бор. Аввало, ўзбек этносининг XX аср бошида тақдир тақозоси билан шу ном остида алоҳида аталишининг расмий тус олгани, иккинчидан, фольклор намуналари қатори мифологик манбаларнинг ушбу даврдан бошлаб у ёки бу даражада ёзиб олишга киришилгани, учинчидан, бошқа халқлар фольклори ҳамда мифологик манбаларидан фарқли равишда умумтуркий ва ўзбек мифологиясининг жонли фольклор таркибида бадий эстетик талқинларда келаётганлиги ҳам ўзбек мифологияси тушунчасининг қабул этилиши, тадқиқида маълум чалкашликларни туғдирди. Энг асосийси, ўзбек мифологиясига тегишли маълумотларнинг ўз вақтида ёзиб олинмаганлиги, аксарият ҳолларда диний фольклор намуналари қаторида баҳоланиб эътиборсиз қаралгани ҳам уларни тадқиқотчилар назаридан четда қолдирди.

Дунё халқларининг тафаккур тарихига умумий тарзда назар ташласак, дастлаб мифологик тафаккур, кейинги босқич мифо-поэтик тафаккур, сўнгра поэтик тафаккур маҳсуллари ўрин олишини кузатамиз. Юнон, миср, ҳинд ва бошқа кўпчилик

халқларнинг мифологик дунёқарашлари акс этган манбалар мифологик ҳамда мифо-поэтик тафаккур босқичида турли кўринишларда ёзма манбаларда сақланиб қолган. Аммо аксарият туркий ва ўзбек мифологияси билан боғлиқ образлар, мотив ва сюжетлар фольклор манбаларида: эртақлар, дostonлар, кўшиқлар ва бошқа жанр намуналари мағзида бадиий эстетик босқичда етиб келган. Бу сюжет, мотив ва образлардаги мифологик тасаввурларни кўрсатиш учун – бадиий эстетик қатлам мағзидаги мифо-поэтик, сўнгра мифологик қатламни тиклаш талаб этилади. Масалан, “Тўрўғли” достонига асос бўлган сюжет моҳиятида ўлиб-тирилувчи табиат ва қуёш туркум мифлари билан боғлиқ образлар тизими, сюжетлари турганлигини эпик қаҳрамоннинг туғилиши, ор олиши ва бошқа мотивлар, бош қаҳрамон, она ва ота ҳамда бошқа етакчи образлар генезисини мавжуд вариант ва версияларни қиёсий ўрганиш орқали аниқлаш мумкин. Бир сўз билан айтилса, кўпчилик ўзбек мифларининг сюжет ва мотивлари, мифик образлари фольклорда бадиий талқинларда яшамоқда. Бу ҳолат ўзбек фольклори намуналарининг қадимий илдизлари мифологик нуқтаи назардан тўлиқ тадқиқ этилса ойдинлашади. Мифологик тафаккур намуналарининг бадиий талқинда сақланиши у ёки бу халқда мифлар бўлмаган, деган хулосаларнинг асоссиз эканлигини кўрсатиш баробарида, бу халқ тафаккурининг қадимийлиги, мукаммалигидан ҳам далолат берувчи манба ҳисобланади. Аслида, диний дунёқарашлар, мифологик тасаввурлар, фалсафий таълимотлар фольклор, адабиёт ва санъатнинг моҳиятида, бир умумий мағзида туради. Дин, миф инсондан ташқаридаги бутун борлиқ, яратувчи ва яралувчи ҳақидаги билимлар орқали инсонга келса, фалсафа, адабиёт ва санъат яралганнинг яратувчига бу билимлар ва кенг маънодаги метафорик талқинлар орқали боғланиши ва ўзини кашф этишини тасвирлайди, фикр-мулоҳазаларини ифодалайди.

Мифологик таълимот ақл мантиғига сиғмаслиги билан ҳам ладуний таълимотларга уйғун. Мантиқ сатҳига олиб тушилса, аксарият физик ҳолат ва ҳодисаларнинг изоҳига ҳам айланиши мумкин. Мифлар ўз даври ва замонаси учун диний таълимот вазифасини ҳам ўтаганлиги муҳим. Мифларнинг дин ва фалсафага боғланиши ушбу жиҳат билан алоқадор. Миф тили – рамз ва тимсоллар, образли тафаккур тили, бу эса уни адабиёт ва санъатдаги ифода усулларига уйғунлаштиради. Лекин миф ҳеч қачон адабиёт, санъат бўлмайди, аксинча, уларга асос вазифасини ўтайди.

Инсон бутун борлиқ олдида тафаккур қилар экан, илҳом унинг онги, шуурини Улкан билимга боғлаган. Улкан билимни Н.Тесла қуйидагича изоҳлаган: “Менинг миям фақат қабул қилувчи бир ускуна, холос. Коинот кенгликлари аро қандайдир бир, биз узлуксиз равишда билим, куч, илҳом оладиган манба – ядро мавжуд. Бу ядронинг сир-синоати нимада эканлигидан беҳабарман, лекин мен унинг мавжудлигига аминман”(манба: <https://ru.citaty.net/avtory/nikola-tesla/>). Аслида, инсон руҳияти, унинг англаш, билиш, тафаккур этиш ва ижод қилиш, яратиш қуввати ана шу коинатдаги ядро – УЛКАН БИЛИМга боғлиқ. Инсон ушбу ҳолатда ўзини борлиқнинг ажралмас қисми сифатида кўради, танийди. Борлиқни ўзидек билиб, ўзгаларга англатади. Унга бу сирни, билимни борлиқ билан руҳий бирлик, ядрога боғланиш қуввати беради. Бирлик ЭГАсини танитади. Биз миф деб айтаётган воқелик инсон тафаккурининг илк босқичдаги Улкан билим билан боғланиш илҳомининг меваси ҳисобланади. Бу Илҳом дамида англатилган нарсалар англовчига тушунарли эди. Коинот, осмон, юлдузлар, қуёш, ой, сув, ер ва барча тирикликнинг ибтидоси, яшаш тартиби, аввали ва охирининг ўзига хос изоҳи эди. Биз рамз, тимсол деб айтаётган ифодалар яхлит бир тизимда бўй кўрсатар эди. Кейинчалик образ, рамз, тимсол бадиий тасвир усули аталди. Биз ибтидодаги бу тушунчалар мағзида аниқ фанларнинг хулосаларини кўриб, ибтидодий аждодларимизнинг бу ҳақиқатларга қандай эришганликларига тушинмай ҳайратланамиз. Аслида, барча илоҳий битиклар каби бу ҳукмлар ҳам Улкан билимнинг акс-садолари ҳисобланади. «Мифологик тафаккур – тасаввур ҳукмронлигида пайдо бўлган тафаккурдир. Тасаввур примитив фаолият натижаси эмас, тафаккурнинг олий формаси, айни пайтда ҳам ижод, ҳам билиш хусусиятига эга бўлган кўринишидир», – дейди Я.Голосовкер (Голосовкер 1987) Олимнинг бу фикри ҳам Н.Тесланинг изоҳига уйғун.

Ўзбек халқ дунёқарашида устивор кўриниш олган тасаввурлар эндиликда ягона яратувчи билан боғлиқ таълимотга асосланган ислом дини эканлиги ва халқимиз исломга қадар, тангричилик, оловпараслик, зардўштийлик, буддавийлик, носронийлик, манихейлик ҳамда бу динлар билан бақамти бугунгача яшаб келаётган шомонликка сиғинганликлари барчага аён. Аммо халқ орасида олам, коинот, юлдузлар, одам, жамики тирикликнинг пайдо бўлиши ҳамда ибтидо ва интиҳо ҳақидаги кўхна тасаввурларга боғлиқ айтим, турли нақл, афсоналар ҳам узук-юлуқ бўлсада сақланган. Уларнинг аксарият қисми бугунда тан олинган етакчи динларгача бўлган таълимот акс-садолари, тасаввурларининг оқаваси эканлиги аниқ кўриниб туради. Бу манбалар

тизимига эндиликда бадий тафаккур намуналари кўринишдаги – дoston, эртақ, қўшиқ ва бошқа манбалардаги маълумотлар тиклаб қўшилса, ўзбек мифологияси ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил бўлади. Ушбу афсона, нақл ва айтимларни яхлит ҳолда тадқиқот объектига олинса, ўзбек халқининг кўҳна мифологик дунёсини тасаввур этиш имкони туғилади. Энг аҳамиятли жиҳат шундаки, бу афсона, айтимларнинг аксарият қисми қардош туркий халқларнинг деярли барчасида ўз паралелларини топади. Бу эса уларнинг илдизи жуда қадимга – ибтидога боғланганлигига гувоҳлик беради.

Борлиқ, Осмон Ёритқичлари, Ҳаёт Ҳақидаги Мифологик Тасаввурлар

Бутун коинот, осмон ёритқичлари, ернинг пайдо бўлиши, ҳаёт ва тирикликнинг боши, борлиқнинг яшаш тартиби ҳақидаги мифологик тасаввурларнинг излари, аввало, тилда, сўзлар замиридаги маънолар қатламида туради. Муқаддас битикдаги СЎЗ билан боғлиқ ахборот асоси ҳар бир инсон боғлана олувчи коинотдаги “ядро” – Улкан билимдаги “Асмо илми”га (Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий 1990:20) бевосита тегишлидир. Бугунги кунда ҳам тилимизда кенг қўлланилувчи: “*Бобо қуёш*”, “*Ой момо*”, “*Она ер*” каби тушунчалар илдизи халқнинг қадим космогоник мифларига боғлиқдир. Қуёшни эркак, ойни аёл, ерни она сифатида тасаввур этиш дунёнинг барча халқларига хос универсал тушунчалар ҳисобланади.

Борлиқнинг самовий тухумдан пайдо бўлгани ҳақидаги миф ҳам аксарият халқлар мифологияси асосида туради. *ДУНЁ ТУХУМИ* ҳақидаги ўзбек – туркий мифининг изларини “*Темир қозик*”, “*Анг(к)ур билан Танг(к)ур*”, “*Оланг(қ)асар паҳловон*” ҳақидаги самовий афсоналар, “*Тухумбой билан Буйракбой*” эртаги замиридан илғаймиз. “*Ер(нинг) устидан осмон дўппидай ёпиб туради. Энг баландда (кўкда), ўртада Темир қозик юлдузи туради. Жами юдузлар ер билан Темир қозикнинг (атрофида) чир айланади. Ернинг остида ҳам бир Темир қозик юлдузи бор. Икки Темир қозик тортишиб, ер қимирламай туради.*” (Турдимов 1992: 40). Ернинг ости ва устининг дўппидек қобик билан ўраб турилиши ва барча юлдузларнинг Темир қозикка боғланиб ер атрофида айланиши ҳақидаги тасаввур дунё тухуми ҳақидаги мифлар тизимининг етакчи – ўзак ҳалқаси ҳисобланади. Ангур ва Тангур афсонасида айтилишича: “*Аваллари осмон текис чиннидай экан. Бир Анкур билан Танкур деган баҳайбат одамлар уришиб, Ернинг у бошидан-бу бошигача суришиб боришибди. Уларнинг калласи осмонни сидириб, Сомончининг йўли пайдо бўлибди. Худонинг қаҳри келиб, уларни денгизнинг тагига ташлаб юборибди*” (Турдимов 1992: 40). Ер усти ва остини дўппидек ўраб турган осмоннинг – дунё тухумининг ибтидода чиннидек

мусаффо бўлганлиги бу афсонада айтилмоқда. Анкур билан Танкурнинг уриши натижасида уларнинг боши сидирган жойдан Сомон йўли юлдузларининг пайдо бўлганлиги, самода юлдузлар тизимининг бунёдга келганлиги мифик дунёқарашнинг таянч ҳалқаларидан ҳисобланади. Ушбу афсонанинг иккинчи вариантыда Анкур билан Танкур жудаям катта ака-ука сифатида талқин этилади ва улар ов қилинган гўштга таллашиб ёқалашгани (*урушгани*), иккови кўлига таёқ олиб ернинг у бошида бу бошигача уришиб борганлари, уларнинг таёқлари осмонни сидириб, яралаб бизнинг Сомон йўли галлактикамиз ҳосил бўлганлини рамзий тасвирланган (Боболардан қолган нақллар 1998: 24). Аланқасар поҳловон афсонасида эса қаҳрамоннинг боши сидирган жойдан Сомон йўли пайдо бўлганлиги айтилган: *“Қадим замонда Оланғасар деган бир паҳлавон одам яшаб ўтган экан. Оланғасар шунақанги дароз эканки, “бошим осмонга тегмасин” деб доим энкайиб юрар экан. Бир куни бўйни оғриб, қаддини рослаган пайтда боши осмонни сидириб кетган экан. Ҳозирги Сомон йўли осмоннинг ана шу Оланғасар полвоннинг боши тегиб сидирилган жойининг изи экан”*(Боболардан қолган нақллар 1998: 24). Ангур ва Тангур, Оланғасар каби улкан қаҳрамонларнинг ноўрин ҳаракатлари чиннидек осмон тартибини бузганлиги, бу ҳаракатлари билан уларнинг ҳар бири гуноҳига яраша жазога тортилганлиги мифларда баён этилган. Коинотдаги сокинликнинг ҳаракат туфайли бузилгани, натижада, юлдузларнинг вужудга келганлиги бу афсоналар мағзидан илғанади. Сомон йўли ҳақидаги бошқа бир афсонада *“Сомон йўли карвон йўли бўлган, худонинг амри билан осмонга чиқиб кетган”* (Боболардан қолган нақллар 1998: 22), деб ҳикоя қилинади.

Ўзбек мифологик афсоналари ва тасаввурлари тизимида куёш, ой, ерни инсон сифатида анлангани каби, барча осмон ёриткичлари ердан осмонга кўтарилган одам, турли жонзот ва нарса-буюмлар тарзида талқин этилганини (1-ахборотчи) кузатамиз.

“Хулкар бир тўп қиз бўлган. Худонинг амри билан осмонга чиқиб кетган” (1-ахборотчи).

“Етти қароқчи – етти юлдуз. Чўмичга ўхшайди. Хулкар юлдузининг биттасини ўғирлаб олиб қўйган. Хулкар аввал етти юлдуз бўлган. Бировини Етти қароқчи олиб, олтига қолган. Етти қароқчи Хулкар билан Қамбарнинг ўртасига тушиб, уларни юз кўрмас қилиб қўйган. Аввал улар бир-бирини яхши кўришган, ошиқ-маъшуқа экан. Ҳозир Хулкар ботса, Қамбар чиқади. Қамбар ботса, Хулкар тугади. Хулкар – қиз, Қамбар – йигит, дейишади. Охир қиёматда Қамбар билан Хулкар кўришармиш. Хулкар бир тўп – олти юлдуз. Қамбар тўққизта юлдуз (Турдимов 1992: 40)... (аввалги) уч юлдуз

Қамбарнинг оғзи, (кейинги уч юлдузнинг) ўртасидаги ярқироқ юлдуз ўти, охирги уч юлдуз Қамбарнинг кейти (думи) дейилади. (1-ахборотчи) Ахборотчи: “Қамбар етти юлдуз, бирови муаллақ, иккинчиси оғиз ўмиртқа, учинчиси шомурт, охири ўти, ўтига кетти, кетига кетти”, деб айтди. Хулкар юлдуздан кейин Тарози юлдузлари туғилади (чиқади). Тарозилар иккита: Қўл тарози (кичиги), Пой тарози (каттаси). Охир қиёматда ана шу тарозилар ерга тушиб, одамларнинг гуноҳ-савоблари (уларда) тортилади эмиш” (Турдимов 1992: 40).

Фольклоршунос М.Жўраев ҳам бу тизимда турувчи Хулкар юлдузи билан боғлиқ афсоналар ва топишмоқни “Туркий халқлар астромифологиясида Хулкар юлдузи” мақоласида келтирган ва турк мўғил ҳамда бошқа халқлар орасида келувчи версияларига қиёлаган (Жўраев Тошкент 2017: 20-29). “*Хулкар аслида етти нафар қиз бўлган дейилади. Етти қароқчи эса олти йигит бўлиб, қизларнинг ён қўшнисини бўлган экан. Аммо Етти қароқчининг овқат пишириб, уйни саранжом-сариишта қиладиган хизматкори йўқ экан. Шунда улар Хулкарнинг юлдузларидан биттасини ўғирлаб, ўзларига хизматкор қилиб кўмак олмоқчи бўлибдилар. Бир кун кечаси яширинча келиб, қизларнинг энг чиройлисини ўғирлаб, ўз маконига олиб кетибдилар. Етти қароқчининг дум томонида, бошқалардан “бегонасираб” турган думли юлдуз Хулкарнинг етти қизидан бири дейдилар. Хулкар ўшандан буён ўз синглисини қутқариши учун Етти қароқчининг орқасидан қувиб юрар, лекин қароқчилар ҳеч қачон Хулкарга тутқич бермас эмиш” (Жўраев Тошкент 2017: 26).*

Бизлар, бизлар биз эдик,

Бизлар олти қиз эдик,

Бир ипакка тизилдик,

Тонг отганда узилдик.

Бу топишмоқнинг жавоби “Хулкар юлдузи” (Назаров 2010: 110).

Қамбар юлдузининг ҳам ердан кўкка чиқиб юлдузга айланганлиги Раҳматулла Юсуф ўғли ёзиб олган афсоналарда келади: “*Осмоннинг тушлик томонида Қамбар юлдуз осмон томига дўкон қуриб қалами, бўз тўқир экан. Шуйтиб Қамбар юлдуз дўкончиларнинг пири . Асли Қамбар бобо ерда бир ўра қазиб, ўша ерда дўкон тўқиб ўтирганда осмонга чиққиси келиб: – Ҳўп! – деб отилиб осмонга чиқиб кетган эмиш. Шундан кейин Қамбар бобо юлдуз бўлиб қолган эмиш. Қамбар бобо жудаям тўғри ва ҳалол одам бўлгани учун Худо уни дунёнинг гурбатларидан халос қилиб, ўзини осмонга чиқариб қўйган экан” (Боболардан қолган нақллар 1998: 24).*

Хулкарни киз, Қамбар, Етти қароқчини эркак сифатида; Темир қозик, Қўл тарози ва Пой тарозиларни буюм, Оқбўзот ва Кўкбўзотларни от сифатида англаш ўзбек самовий афсоналарининг ўзагини ташкил этади.

Самовий Афсоналарда Галлактикадаги Тартиб...

Қадимий самовий мифологик афсоналарда галлактикадаги юлдузларнинг аниқ ўрни, уларнинг бир-бирови билан муносабати рамзий акс этган: *“Сомон йўли юлдузларларининг икки қутубида Хулкар ва Қамбар туркум юлдузлари туради”*(2-ахборотчи). *«Темир қозикқа яқин юлдузлар Оқбўзот билан Кўкбўзот. Икков юлдуз Темир қозикқа бойлаб қўйилган от. Етти қароқчи шу икки отни ушлайман деб пойлаб ётади. Охир қиёматда Оқбўзот билан Кўкбўзот бўшалишади. Етти қароқчи уларни ўғирлайди»* (Турдимов 1992: 40). *«Темир қозикнинг Оқбўзот билан Кўкбўзот деган оти бор. Етти қароқчи отини чечиб олган кун охирзамон бўлади. Улар урри бўлган»* (1-ахборотчи). *“Темир қозикни Етти қароқчи қоққан. Етти қароқчи Оқбўзот, Кўкбўзотни ечиб олса охир қиёмат бўлади”*(1-ахборотчи). Яна бир афсонага кўра: *“Оланғасар овлаган олқарларини илиб қўймоқ учун осмоннинг ўртасига катта бир темир қозик қоқибди. Буни кўрган Худо: “Ерни оёқ ости қилгани озлик қилганидай, энди осмонни ҳам тешимоқчи?!” – деб аччиқланибди. Худонинг амри билан ҳар бирининг катталиги тоғдай бўлган тошлар ер юзига ёғилибди. Ердаги тоғлар ана шундан пайдо бўлган экан. Денгизлар тошиб кетиб, замин сув остида қолибди. Охирам Худо ерга қараб бир пуфлаган экан, у пуфлаган совуқликдан денгиз суви шундай музлабдики, Олағасарнинг бўрбайидан насти ҳам қшилиб музлабди. Музлаган оёқлар гавдани кўтара олмай, қирқилиб тушиб ҳалок бўлибди. Ҳали Оланғасар қоққан қозик бор эмиш. Шунинг учун Темир қозик юлдузининг туби совуқ бўлар эмиш”* (Боболардан қолган нақллар 1998: 23), деб талқин этилади.

Самовий афсоналар вариантларида юлдузлар пайдо бўлишининг турлича талқинда келиши, бир неча қатламга эгаллиги ўзбек халқининг мураккаб этник гуруҳлардан ташкил топгани ва уларнинг ҳар бирининг ўз дунёқарашлари билан ягона ўзбек мифологиясининг вужудга келишига ҳисса қўшганлигини билдиради. Масалан, Етти қароқчи юлдузини лақайлар, Қашқадарёнинг баъзи туманларида Етаган деб аташади. Бу ҳудудларда машхур: *“Етаган юлдуз етов экан, етти мартаба такрорласа савоб экан”* (3-ахборотчи), айтими унинг қароқчи талқинига қарама-қарши мазмунга эга.

Ўзбек самовий афсоналарида Хулкар билан Қамбар юлдузларининг самодаги ҳаракати, ер юзида кўриниш муддатлари оралиғидаги даврийликка кўра фаслларнинг мавсумий алмашинуви, об-ҳаво ўзгаришлари, инсонлар ҳаётига боғлиқ жиҳатлари ҳақидаги қизиқарли маълумотлар келади: *“Хулкар юлдузи ботганида ернинг тагига кириб кетар эмиш. У ер тагига қанча кўп турса, жониворлар учун шунча яхши бўларкан. Чунки у ўтларни ер юзига қувиб юборар, ер тагидан туриб ўсимликларнинг илдизидан қитиқлаб, уларнинг ўсишини тезлаштирар экан. Кунларнинг бирида от, туя, қўй, эчки, эшак ва сизирлар маслаҳатлашиб, Хулкар ер тагига тушиб кетгандан сўнг уни ер юзасига чиқармасликка аҳд қилибдилар. Хулкар кириб кетган тешикни топиб, пойлаб туришибди. Навбат эчкига келганда, у «Хулкар бу тешикдан қачон чиқиши аниқ бўлмаса, аҳмоқ бўлиб тешик қўриқлаб ўтиргунча, бироз ўтлаб келай», деб “шайтонлик” қилиб, ўтлагани кетибди ва тешикни яхшилаб қўриқламабди.*

Бир маҳал тешик ёдига тушиб югуриб келиб қараса, тешикдан Хулкарнинг боши кўринаётганмиш. Эчки жон ҳолатда тешикни туёқлари билан бекитмоқчи бўлибди, аммо Хулкар унинг туёқларини ёриб, ўртасидан чиқибди-да, осмонга учиб кетибди. Шу-шу эчки айритуёқ бўлиб қолган эмиш. Агар эчки шайтонлик қилмаганда, Хулкар ер юзасига чиқолмасдан таги заминда қолиб кетар, ана шунда ер устида ҳамма вақт ёз бўлиб тураверар экан» (Жўраев 2017: 21).

Хулкар юлдузининг 22 июндан тонг вақти шарқда пайдо бўлиши унинг туғилиши сифатида қаралган. Аммо бу пайтгача у ер остида бўлганлиги сабабли тун осмонида кўринмайди, қиш мавсумида осмонга чиқиб, “ҳукми” юради, деб тушинилган. Хулкарнинг “ҳукми” 22 сентябрдан тўлиқ амалга қилиши бу афсоналар мағзидан англанади. Халқ Хулкарнинг ҳаракатига қараб қишнинг келиши, якуни ва ёз мавсумининг бошланиши, тугалланишини аниқлаган. *“Хулкар туғди – ўт туғди”, “Хулкар ойнанинг бари қиш”* (Ўзбек халқ мақоллари 1989: 495) мақолларида унинг қиш мавсуми эканлиги ифодаланса, *“Хулкар уйдан кўринса, уч ойдан сўнг ёз бўлар. Ётарга ёнбошласа, Ёз бўлмай неси қолар”* (4-айтувчи) айтими мағзида Хулкарнинг қишки мавсумда кўриниши ва ёз даврида ботиши даврийлигига уйғун қиш ва ёзнинг ўрин алмашиниш муддатлари айтилмоқда. Хулкар юлдузига муқобил Қамбар юлдузи 22 декабрда туғилади ва 21 мартдан унинг “ҳукми” амалга киради деб қаралган. Шу сабабли ҳам астраль мифологияда Хулкар қиш фасли, Қамбар ёз мавсуми билан боғлиқ талқинлар олган.

Юлдузлар ҳаракатига уйғун табиатдаги ўзгаришлар мифологик асосли айтим ва мақолларнинг яратилишига замин бўлган. “*Тарози тугса тонг совийди, Сумбила тугса сув совийди*”, *бурунгининг гапи булар*” (4-айтувчи) мақолида Хулкар юлдуздан сўнг Тарози юлдузининг туғилиши маълум қилинмоқда. Бу хил мақол ва айтимлар замирида халқимизнинг юлдузлар ҳаракати ва ер табиатидаги ўзгаришларнинг мавсумийлиги ҳақидаги мифик кўринишдаги билим-тажрибаларнинг қаймоғи жамланган.

Темир қозиқ, Оқбўзот-Кўкбўзот, Етти қароқчи, Хулкар, Қамбар ҳамда ўн икки буржни ташкил этувчи – Тарози ва бошқа юлдузларининг ўзаро муносабати, коинотда жойлашув тартиби, қуёш, ой, ер билан алоқаси, мавсумий ҳаракатлари рамзий ифода топган ўзбек мифологик афсоналари, айтим, мақоллари мағзида ўлиб-тирилувчи табиат культлари, антропоген, тотемистик, анимистик, манистик, дуалистик, мавсумий, таквимий ва эсхатологик мифлар қоришиқ ҳолда келаётгани кўринади.

Дунё тухуми, унинг таркиби ҳақидаги мифларда аждодларимизнинг ернинг коинотдаги ўрни ва коинот тартиби ҳақидаги тасаввурларининг рамзий ифодасини топса, дунё тухумининг вертикаль моделда тузилиши – тепа осмон – кўк (ёруғлик), ўрта олам – ер юзи, қуйи олам – ер ости “осмони”(зулмат) дунёси картиналарини англаймиз. Аждодларимиз ҳар икки (тепа ва қуйи) осмоннинг қоқ марказида ўрин олган Темир қозиқ ерни икки томонлама қимирлатмай ушлаб туради, юкори осмондаги юлдузлар ер ва Темир қозиқ атрофида айланади, деб тушинганлар. Афсонада пастки – зулмат осмони ҳақида муфассал тафсилот эслатилмайди, унитилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо пастки осмонда ҳам Темир қозиқ бор, деб айтилиши, Қамбар, Хулкар, Тарози ва бошқа юлдузларнинг масумий ер остига ботиш ва туғилиш муддатларининг мавжудлиги ҳақидаги тасаввурлар, айтимлар бу осмон ҳақидаги тушунчаларимизни аниқлаштиришга ёрдам беради.

Осмондаги юлдузлар – Етти қароқчи билан Оқ бўзот, Кўк бўзот, Қамбар, Хулкарлар ва бошқа самовий ёритқичларининг ўзаро муносабати бутун борлиқнинг асосини ташкил этувчи ЭЗГУЛИК ҳамда ЁВУЗЛИК кучлари орасидаги узлуксиз курашнинг космик кўламдаги мифик талқинлари сифатида қаралмоғи керак.

Юлдузлар ўртасидаги тартибнинг бузилиши – Темир қозиқнинг Оқ бўзот, Кўк бўзотни ўғирлаши, Хулкар ва Қамбарнинг топишуви, Тарозиларнинг ерга тушиб савобу гуноҳнинг ўлчаниши ҳамда бошқа ходисалар ҳақидаги ахборотлар ўзбек

мифологиясида эсхатологик мифлар тизимининг акс-садоси ҳисобланади. Айни пайтда халқимизнинг мифологик тизимида мағзини анъанавий умуммифологик тартиб: космоснинг хаосга, хаоснинг космосга эврилиши ғояси ташкил қилади.

Ўзбек халқ дунёқарашида илк инсоннинг яратилиши, Одам (Киши) ва Момо (Тиши)нинг тақдири, ерга тушиши тўлиқ равишда монотоистик дунёқараш, исломий тасаввурларга айланган, қатъий ўрин олган. Аммо халқ орасида яна шундай тасаввурлар борки. уларнинг изларини қадим-қадимдан ахтаришга тўғри келади. *“Осмон қават-қават бўлар экан. Нечанчидир осмонда бир дарахт бор экан. Ҳар бир одамнинг оти ёзилган барг шу дарахтда бўлар экан. Одам ўлса, барг сўлиб, узилиб тушар экан. Барг ерга тушганда бирор одамга тегиб кетса, шу одамнинг қулоғи чимиллар экан. Шундай вақти калима қайтариши керак экан* (Туритмов 1992: 40)”. *“Ҳар бир одамнинг осмонда ўз юлдузи бўлар экан. Одам ўлса, юлдузи йўқ бўлиб кетар эмиш.”* (Турдимов 1992: 40). Дунё халқлари мифологиясидаги дунё дарахти образига типологик уйғун келувчи бу дарахт образини дostonлар, эртаклар, афсоналар, нақллар, маросим лирикаси ва ишқ-муҳаббат мавзусидаги қўшиқлар таркибида турли кўринишларда учратамиз. Халқ тилида турмуш қураётган ёшлар ва эру хотинга нисбатан оммавий қўлланилувчи: *“Юлдузи юлдузига тўғри келди”*(5-ахборотчи) ёки истарали кишига *“юлдузи иссиқ”*(5-ахборотчи) деб айтилувчи иборалар ҳам ушбу тасаввурлар билан бир ўзакка боғланади.

Ҳаёт, Ер Юзида Тириклик Тизимининг Тартиби

Дунё мифологиясида ер юзида ҳаёт қандай пайдо бўлди, деган саволга турфа талқинларда жавоблар келади. Аммо улар моҳиятан ягона мазмунда туташади. Фақат талқинлар, ифода шакллари турлича ва баъзилари батафсил бўлса, бошқалари бир сўз ёки жумлада айтилган бўлиши мумкин. Айни вақтда ўзбек мифик дунёқарашидаги жавоб тириклик тизимининг мукамал тимсолларига эгалиги, тадрижийликни аниқ рамзий образларда ифодалаши билан алоҳида ажралиб туради. Мифик талқин занжирли (комулятив) эртак сифатида етиб келган бўлсада, асл мифологик шаклидан узоқ кетган эмас. **“Тухумбой билан Буйракбой”** номли занжирли (комулятив) эртакнинг қисқача мазмуни шундай: *Тухумбой билан Буйракбой янтоқ чопишга чиқиб, оч қолишади. Курашиб, голиб мағлубни ейди, деб шарт бойлашади. Тухумбой Буйракбойни йиқитиб, ютиб юборади. Шундан кейин Тухумбой йўл-йўлакай учраган қарга, улоқ, тойчоқли бия, бўтали туя, кўп қизлар, кўп ўғил болаларни ҳам ютиб, Мастон кампирнинг чайласига етиб чой сўрайди. Ўзи чой қайнагунча дам олай, деб*

уйқуга кетади. Кампир оташкуракни қиздириб Тухумбойнинг кетиға босади. Тухум ёрилиб, у ютган нарсалар чиқиб, кампирнинг уйида барчалари мурод-мақсадға етишади (Тухум билан Буйрак 1992: 10-13).

Эртақдаги ҳар бир образ туб рамзий маъносига эга, туб рамзий образлар тасвирга рамзийлик юклаб, умумий тимсолий мазмун юзага чиқади.

Эртақ аввалида тухум ва буйракнинг вазияти, ҳолати тенг эди. Улар шартга баробар интилишади. Аммо Тухумбой Буйракбойни курашда йиқитгач пасонги ўзгаради. Энди Тухумбой ғолиб ва у Буйракбойни ейиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ушбу мотив эртақнинг умурткасини ташкил этади. Чунки қолган мотивлар (кампиргача бўлган занжир) мағзи моҳиятан ушбу тасвирга уйғун.

А) Тухум ғолиб – ютувчи.

Б) Буйрак, қарға, улоқ, тойли бия, бўтали туя, қизлар, ўғил болалар – ютулувчи.

Моҳиятда ютувчи битта, ютилувчилар кўп бўлса-да, улар бир умумий маҳражга келади (фақат шакли ўзга, оддийдан мураккаблаша боради). Эртақ финалида кампир уйқуга кетган тухумни қиздирилган оташкурак билан ёриб, ютилганларнинг қайта ёруғ оламга чиқишларига имкон беради.

Тухум – бу кенг маънода УРУҒ. Жамики тириклик уруғдан чиқади (унади), ўсади, ривожланади, мева беради, камол топади, яна уруғга қайтади. Уруғга қайтиш тириклик жавҳарининг маълум муддат уйқуга кетишидир (Тухумбойнинг мастон кампир кулбасида ухлаши). Она табиат (Кампир) уруғнинг “қизиб, ёрилиб” (Кампирнинг қизиган оташкурак билан тухумни ёриши ва у ютган нарсаларнинг чиқиши) қайта дунёга келишига имкон беради.

“Тухумбой билан Буйракбой” эртаги – Дунё тухуми ҳақидаги мифнинг ўзбекча мумтоз талқини ҳисобланади. Жами тирикликнинг моддий ибтидоси тухум – уруғ эканлигини эртақ тимсолий тарзда тадрижий босқичлари билан кўрсатмоқда. Эртақда Буйракбойни Тухумбойнинг курашиб енгишида табиий мантиқ бор. Чунки, буйрак – эт. Ҳар қандай эт турса бузилади, кўмилса чириydi. Ҳеч қачон унмайди, ўсмайди. Уруғ ерга тушса унади, ўсади, яна уруғларга айланади. “Тухумбой билан Буйракбой” эртагининг тимсолий мазмуни рамзий образлар ифодалаган маъно занжиридан келиб чиқмоқда. Яъни, “Бор тириклик уруғда “буйрак” бўлиб ухлайди, “она”(ердан бошлаб уруғ унувчи барча шакллар...) ботинига ўтиб, қувват олиб унади, камол топади ва яна урукка қайтди”, деб англаш мумкин. Ушбу мазмун том маънода билим, халқона

фалсафий хулосадир ва ундан эртақнинг бошқа семантик сатҳларига чиқиш мумкин. Эртақ қурилмасидан рухий-маънавий сатҳга ўтилса, инсоннинг камолат босқичлари ҳам уруғ – турли ҳолат, кечинмалар, кўникма ва қолиплар доирасини ёриб янги мазмундаги воқеликка ўтиш бараборида сўнги манзилга етгунгача давом этишини англатади.

“Тухумбой билан Буйракбой” эртагида яна бир муҳим детал бор. Бу Тухумбой ва Буйракбойнинг мақсади – уларнинг янтоқ чопишга чиққанлигида рамзий тасвир топган. Тухумбой билан Буйракбой нега айнан янтоқ чопишга чиқди? Буғдой экишга, ўришга ёки қовун узишга эмас? Нима сабабдан халқ бошқа ўсимликлар орасидан айнан янтоқни танлади? Фольклорда тасодифан танлаш йўқ. Образнинг боболарга таниш маъноси авлодларга англамасиз қолиши мумкин, лекин анъананинг кучи уни бошқасига алмаштиришга йўл бермайди. Эртақнинг тимсолий мазмуни ва миф мантиғи янтоқ образи Ҳаёт дарахтининг рамзи эканлигини англамоқда. Аввало, янтоқнинг шакли халқ амалий санъатидаги ҳаёт дарахтига уйғунлиги, унинг кўп йиллик ўсимлик эканлиги, томирининг ер қаърига чуқур кетиши, ҳар қандай қийин шаротга ҳам чидамлилиги айна маънони олган. Ушбу асос эса Тухум (уруғ)нинг Буйрак (тирик мавжудот) сифатида Ҳаёт дарахти шох бутоқларида бардавомлиги, камол топиши узлуксиз, даврийлик занжирида, тафаккур мақомлари босқичларида кечади деб қаралганлиги, англаманлигини маълум қилади. Ҳаёт дарахтининг ҳар бир шох бутоқларидаги мевада тухум – жонлар бор. Улар ерга тушиб унади, ўсади, мева тугиб урукка айланади. Шу хил узлуксиз жараён давом этаверади.

ХУЛОСА

Коинот, осмон ёритқичлари, ер ва ҳаётнинг пайдо бўлиши, тириклик, борлиқнинг боши, яшаш тартиби, интиҳоси ҳақидаги мифологик тасаввурлар барча туркий халқларда турли кўринишларда, фольклорнинг барча жанрлари мағзида ҳам мавжуд. Биз юқорида кўриб чиққан мифологик афсона ва айтимларнинг вариант ва версиявий шакллари бошқа қардош туркий халқлар фольклорида ҳам кузатамиз. Биргина мисол Етаган (Етти қароқчи) юлдузининг пайдо бўлиши ҳақида мифни “Маадай – Қара” эпосида бош қахрамон ҳаёти билан боғлиқ талқини бор (Маадай – Қара 1973: 246-247). Бу хил турли талқинларни жамлаб, умумлаштириб ягона хулосалар чиқаришнинг вақти етди. Биринчи галда юлдузларнинг умумий ва хусусий номланиши ва улар билан боғлиқ тасаввурлар тизими жамланиши, илмий баҳосини олиши лозим. Айна йўналишдаги тадқиқотларни яратиш, мавжуд матераллари бир жойга йиғиш талаби кун

тартибида долзарб масала бўлиб турибди. Келажакда амалга ошиши шарт бўлган юмушлардан биринчиси бу масалани келишилган ҳолда, махсус режа асосида, мавжуд мутахассисларни бир жойга йиғиб амалга ошириш ҳисобланади. Ана шунда туркий мифология, ундаги сюжетлар, образлар тизими ҳақида очиқ ойдин сўзлаш имкони пайдо бўлади.

EXTENDED ABSTRACT

When considering the Uzbek people as a single ethnic group, it is necessary to remember the role of its language, beliefs, folk philosophy, rituals, traditions, mythological system, the emergence of folklore, the cultural and spiritual heritage of the Qarluq, Kipchak, and Oghuz tribes, which are taken as the basis of the ethnic composition. On the stage of history, the Turan – Turkistan region is considered one of the places where civilizations clashed, where the largest number of kingdoms were built, where clans, peoples, nationalities, and races mingled. The life, history, destiny, material and spiritual heritage of the Uzbek ethnos cannot be imagined without these factors. Therefore, it is necessary to take into account the same aspects when perceiving, understanding, and researching folklore, especially mythology, which is a unique artistic expression of people’s history and fate. The Uzbek ethnos belongs to the family of Turkic peoples linguistically and ethnically.

Turks, Azerbaijanis, Turkmens, Crimean Tatars, and Gagauzs mainly belong to the Oghuz group, while Kazakhs, Kyrgyz, Tatars, Karakalpaks, Bashkirs, Kipchaks, and Uighurs belong to the Karluq group. Only the Uzbek ethnos is distinguished by the combination of all three groups in its composition, and this situation occupies an important place in the material and spiritual heritage of the Uzbeks. In Uzbek folklore and mythology, we see heritage traditions belonging to these three groups of Turkic peoples in a unique mixed and developed state. This is the main factor that ensures diversity, color and wealth of Uzbek folklore and mythology. If we look at any examples of Uzbek folklore and mythology, we will see that it has common features with the folklore and mythology of all Turkic peoples, and at the same time, it has unique variants and versions that have been interpreted in Uzbek language through specific stages of development.

Uzbek mythology was partially listed in the “mythology of Turkic-speaking peoples”. Even the term “Uzbek mythology” seemed strange to some researchers. There are certain reasons for the birth of this kind of imagination. First of all, the fact that the Uzbek ethnos was officially called under this name at the beginning of the 20th century, and secondly, the

mythological sources along with folklore samples began to be recorded in one way or another from this period, thirdly, unlike the folklore and mythological other sources, the fact that the common Turkic and Uzbek mythology comes in artistic aesthetic interpretations in the live folklore structure has caused some confusion in the acceptance and research of the concept of Uzbek mythology. The main thing is that the information related to Uzbek mythology was not recorded in time, and in most cases, it was evaluated as examples of religious folklore and was ignored, leaving them out of the view of researchers.

It is said that the poetic thinking, then mytho-poetic, and then products of mythological thinking take place in the history of thought. It has been preserved in various written sources during the stage of mythological and mytho-poetic thinking of Greeks, Egyptians, Indians and other nations. But the images, motives and plots related to Turkish and Uzbek mythology have reached the artistic aesthetic stage on the basis of folklore sources: fairy tales, epics, songs and other genre examples, and to show the mythological imaginations in them data recovery was require – mytho-poetic and then mythological information within the artistic aesthetic information. For example, it is possible to determine the existence of a system of images and plots related to the myths of the dying - resurrecting nature and the solar system in the essence of the plot, which is the basis of the “Gorogli” epic, through a comparative study of the existing version and versions of the genesis of the epic hero and other leading characters.

It should not be forgotten that the appearance of examples of mythological thought in artistic interpretation only indicates the antiquity and perfection of the thought of this or that nation. Because religious beliefs, mythological imaginations, philosophical teachings are at the core of folklore, literature and art, in one common core. The mythological doctrine is compatible with Ladunian doctrines even though it does not fit into the logic of the mind. The fact that myths served as a religious teaching for their time and era connects it to religion and philosophy. When a person thinks before the whole existence, the power of inspiration connects his mind, consciousness to the Great Knowledge. Great knowledge is the core of knowledge that is formed from the connection of the human psyche, its ability to understand, know, think and create, to the single mind in the universe. In this case, a person sees and recognizes himself as an integral part of existence. Knows existence as itself and represents it to others. It gives him this secret, knowledge, spiritual unity with existence, the power of connection to the core. Unity makes Him known. The reality that we call myth is the fruit of the inspiration of the first stage of human thought to connect with the Great Knowledge. What

is meant at the time of this Inspiration becomes clear to the discerning person. The universe, the sky, the stars, the sun, the moon, water, the earth, and the origin, way of living, the beginning and the end of all living things get a special explanation. Expressions, which we call symbols, represent a whole system. Later, image, symbol was called a method of artistic representation. We see these primitive concepts in the conclusions of the exact sciences and wonder how our primitive ancestors reached these truths. In fact, these judgments, like all divine scriptures, are echoes of the Great Knowledge.

The image, symbol, figurative thinking in the myth is combined with the methods of expression in literature and art, language, but the myth will never be literature and art, on the contrary, it serves as a basis for them. The analysis of mythological thinking shows that the traces of mythological ideas about the whole universe, skylights, the origin of the earth, the beginning of life and existence, the living order of existence, are primarily in the language, in the layer of meanings at the base of words. We trace the chains of the Uzbek-Turkish myth about the egg of the world in the heavenly legends about “Temir qoziq”(Iron Pile), “Ang(k)ur with Tang(k)ur”, “Olang(q)asar Pahlavon” and clarify the fairy tale “Tuxumboy with Buyrakboy” by interpreting it. The conclusion of the study is the Uzbek interpretation of the traditional plot widespread in world mythology, that is, an artistic esoteric answer to the question of how life appeared on earth. The mythological content is significant in that it shows the gradual development of the life that exists in the succession of images from the seed to the seed. We observe that the scientific truth in the essence of the myth has been interpreted in the system of the law of life.

We will proceed from the root of the idea of the world egg through the system in the core of the heavenly legends about “Temir qoziq”(Iron Pile), “Ang(k)ur with Tang(k)ur”, “Olang(q)asar Pahlavon”. In particular, the sky covers the earth like a cap, the blue (sky) is at the top, the Iron Pile star is located in the middle, and the idea that the stars revolve around the Earth and the Iron Pile, that this situation depends on the same Iron Pile star under the Earth, these two Iron The idea that the stakes are attracted to each other and the earth does not move is the leading link of the system of myths about the world order, the core concept of Uzbek celestial myths. According to the legend of Angur and Tangur in the mythological interpretation, the cosmic order in the sky is broken because of these two giants, and they meet the wrath of the God, as a result of which the Milky Way appeared. The legend of Alankasar Pahlavon can be seen as a kind of second interpretation of this myth.

The interaction of the Seven Pirates (star name), the White Bozot, the Blue Bozot, the Qambar, the Hulkar and other stars in the celestial legends and sayings should be considered as cosmic mythical interpretations of the continuous struggle between the forces of GOOD and EVIL, which form the basis of all existence. Disruption of the order among the stars – the theft of the White Bozot, the Blue Bozot by the Iron Pile, the meeting of Hulkar and Qambar, the weighing of merit and sin by the scales falling to the ground and other events are echoes of the system of eschatological myths in Uzbek mythology. In Uzbek celestial legends, the arrival of interesting information about the movement of Hulkar and Qambar stars in the sky, the seasonal change of seasons according to the periodicity between the periods of their appearance on the earth, weather changes, and aspects related to human life is explained in this system of imagination. At the moment, the core of the mythological system of Uzbek nation is the traditional general mythological order: the idea of evolution of the cosmos into chaos and chaos into cosmos. The fact that the sources examined in the article and their interpretations are new materials about the Uzbek-general Turkic mythological world is relevant in today's folklore studies.

АДАБИЁТЛАР

Боболардан қолган нақллар. Тошкент., Фан. 1998. – Б. 22.

Голосовкер Я.Э. Логика мифа. – М.: Наука, 1987. – С.12.

Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: Государственное издательство художественной литературы, 1947. – С. 447.

Жўраев М. Туркий халқлар астромифологиясида хулқар юлдузи // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 2017, №6 – Б.20–29.

Маадай – Кара. Алтайский героический эпос/ Сказитель: калкин А.Г. Запись текста, перевод на русский язык и приложения С.С. Сарузакова. – Москва: Наука, 1973. – 466 б.

Мифы народов мира. Москва, Советская Энциклопедия, 1991. – С. 537–541.

Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. Тошкент: Тамаддун, 2010. – Б.110.

Никола Тесла. Цитаты о силе Источник: <https://ru.citaty.net/avtory/nikola-tesla/>

Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Қиссаси Рабғузий. Биринчи китоб. Тошкент. “Ёзувчи” нашриёти, 1990. – Б. 20.

Турдимов Шомирза. Сир тўла дунё. Мактабгача тарбия // 1992. №2. – 40. б.

Тухум билан Буйрак. Мактабгача тарбия” журнали 1992 йил, №3–4, 10–13-бет.

Ўзбек халқ мақоллари. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. – 495-бет.

Ахборотчилар

1-ахборотчи: Файзулла Мансуров (1933 йил туғилган. Навоий вилояти, Нурота туман, Янгитурмуш қишлоғи, Анат уруғидан).

2-ахборотчи: Улдоной Бўронова (1928 йил туғилган. Навоий вилояти, Нурота туман, Папоной қишлоғи).

3-ахборотчи: Чори бобо Қурбонов (1942 йил туғилган. Қашқадарё вилояти, Чироқчи туман, Шўрқудуқ қишлоғи).

4- ахборотчи: Нозбуви Оллаёрова (1926 йил туғилган. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Қўштамғали қишлоғи).

5-ахборотчи: Қурбоной Қуролова (1963 йил туғилган. Навоий вилояти, Нурота туман, Папоной қишлоғи).

Makale Bilgileri/Article Information

<i>Etik Beyan:</i>	Bu alıřmanın hazırlanma surecinde bilimsel ve etik ilkelere uyulduęu ve yararlanılan tum alıřmaların kaynakada belirtildięi beyan edilir.	<i>Ethical Statement:</i>	It is declared that scientific and ethical principles have been followed while carrying out and writing this study and that all the sources used have been properly cited.
<i>ıkar atıřması:</i>	alıřmada kiřiler veya kurumlar arası ıkar atıřması bulunmamaktadır.	<i>Conflict of Interest:</i>	The authors declare that declare no conflict of interest.
<i>Yazar Katkı Beyanı:</i>	alıřmanın tamamı yazar tarafından oluřturulmuřtur.	<i>Author Contribution Declaration:</i>	The entire study was created by the author.
<i>Mali Destek:</i>	alıřma iin herhangi bir kurum veya projeden mali destek alınmamıřtır.	<i>Financial Support:</i>	The study received no financial support from any institution or project.

